# Тошкент ҳақиқати

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

**Вилоят ижтимоий-сиёсий рўзномаси**

1991 йил 12 октябрь • шанба

№ 198 (10.194). Баҳоси 10 тийин.


## МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

ТБИЛИСИ, 10 октябрь. (**Сакинформ** агентлиги мухбирлари Эдуард Эдиберидзе ва Гурам Чанишвили — ЎзТАГ учун). Грузия пойтахтида ўтаётган республика Олий Кенгаши сессияси мустақил Ўзбекистон давлати адресига якдиллик билан мурожаатнома қабул қилди:

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИГА**

Ҳурматли депутатлар!

Грузия Республикаси Олий Кенгаши, бутун грузин халқи ўзбек халқининг 1991 йил 1 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги эълон қилиниши билан якунланган озодлик ва мустақиллик учун курашини табриклайди.

Грузия Республикаси Олий Кенгаши Ўзбекистон Республикасини мустақил истиқлол давлат, халқаро ҳуқуқнинг тўла ҳуқуқли субъекти деб тан олади ҳамда икки давлат ўртасида дипломатия муносабатларини ўрнатиш тўғрисида Ўзбекистон маъмурлари билан исталган вақтда музокаралар бошлашга тайёр эканлигини изҳор қилади.

**Грузия Республикаси Президенти**
**Грузия Республикаси Олий Кенгаши**

## *Ўзбекистон Республикаси Президентининг* ФАРМОНИ

**Х. ТЎХТАБОЕВ, Ў. Р. УМАРБЕКОВ, Ш. ХОЛМИРЗАЕВ ЎРТОҚЛАРГА «ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбек адабиётини ривожлантиришдаги катта хизмати, юксак бадиий асарлар яратгани, ижтимоий ҳаётда фаол қатнашгани учун қуйидагиларга «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» фахрий унвони берилсин:

Худойберди **Тўхтабоев** — «Ёш куч» журналининг бош муҳаррири.

Ўлмас Раҳимбекович **Умарбеков** — ёзувчи.

Шукур **Холмирзаев** — ёзувчи.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
1991 йил 10 октябрь.

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТАЪСИС ҚУРУЛТОЙИНИ ЧАҚИРИШ ТАШКИЛОТ КОМИТЕТИДА

Таъсис қурултойини тайёрлаш ишчи гуруҳи коммунистларнинг Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг аъзолари сифатида рўйхатга олиш муддатлари билан боғлиқ жуда кўп саволларига жавобан маълум қиладики, бундай рўйхатга олиш учун муддат чекланмаган.

Жойлардаги ташкилот комитетларига рўйхатга олишни 25 октябргача ўтказишга доир топшириқ таъсис қурултойига вакиллар сайлаш имкониятини таъминлаш учун янги партияни тузиш ғоясини қўллаб-қувватлаётган фуқаролар сонини тахминан аниқлашни кўзда тутади, холос.

## • «ҲОСИЛ 91» •



**● ЧИНОЗ районидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги пахтакорлари бу йил ҳосилнинг 80 фоизини машиналарда териб олишга аҳд қилганлар. Шунинг учун техникадан унумли фойдаланилмоқда. Далада 28 та терим машинаси тинимсиз ишламоқда. СУРАТЛАРДА: (пастда, чапдан ўнгга) илғор механик-ҳайдовчи Анорбек Ўтаров, бригадир Эргашбек Жўрабеков ва хўжалик раиси Асомиддин Мираҳмедовлар; машина терими (юқорида).**

**Сураткаш А. МАЛЬЦЕВ.**



## ИРКУТСКЛИК ПАХТАКОР КЕЛИН



САРЛАВҲАНИ ўқиб ва суратга боқиб ҳайрон бўлаётгандирсиз. Ҳа, шундай. Пискент ноҳиясидаги Алишер Навоий номли жамоа хўжалигида Иркутскдан шу ердаги хонадонлардан бирига икки йил бурун келин бўлиб тушган Вера пахта термоқда. Хўш, нима бўлибди? У ҳақда ёзиш шартми, дейдиганлар ҳам топилади. Лекин бу жонкуяр меҳнаткаш аёл ҳақида ёзишни лозим топдик.

...Хўжалик касаба уюшмаси раиси Акром ака Ғойипов билан Раҳим Маткаримов бошлиқ бригада далаларини айланиб юргандик.

— У шу ерда меҳнат қиляпти, — деди, — теримда илғор.

Биз далада мункайиб пахта тераётган Веранинг олдига бордик. Пахтазордан ийманибгина чиқиб келган аёл биз билан ўзбекча саломлашди.

— Ҳорманг, теримда қийналмаяпсизми?

— Раҳмат, ҳаммаси жойида.

Бирин-кетин саволларни қалаштириб ташладик. Гапга ҳам анча чайир экан. Жавоб биз кутгандан зиёда бўлди.

— Пахта жуда кўп меҳнат талаб қиладиган экин экан,— дейди Вера Сарибоева.— Биринчи йили бироз қийналдим. Шунда менга турмуш ўртоғим Турсунали, дугоналарим Муҳайё, Руқия ва Олия қўлларидан келган барча ёрдамларини аяшмади. Улардан жуда миннатдорман. Қўлларим теримга ўрганди. Ҳозирги ишларим ҳам чакки эмас. Ўтган йили зўрға 40—50 килограммдан пахта терган бўлсам, бу йил кунига 75—80 килограммга етказаяпман.

Дарвоқе, дугоналарининг айтишича, Вера Сарибоева оилада саранжом-саришта аёл экан. Икки йил давомида ўзбек миллий урф-одатларини ўрганиб олибди. Далада эса ерга чигит тушган кундан бошлаб меҳнат қилади. Айни кунларда теримда ўзбек қизлари билан тенгма-тенг мусобақалашаяпти.

Чиндан ҳам Веранинг меҳнаткашлигига ишонч ҳосил қилдик. «Қўлинг дард кўрмасин, иркутсклик келин!».

**Х. ШАФОАТОВ,**
**А. ИКРОМОВ.**

**СУРАТДА:** Вера Сарибоева.

Сураткаш **А. ИКРОМОВ.**

● *Долзарб мавзу*

# БОЗОР НОНИ НЕГА ҚИММАТ?

Тошкентдек шаҳри азимда биров билиб, биров билмай бозор нонининг нархи кўтарилиб кетди. Ҳайрон бўлиб сўрайсиз. Ахир республикамизда нон ва ун маҳсулотларининг баҳоси ошгани йўқ-ку. Айрим қандолат корхоналари чиқараётган ширин нонларни ҳисобга олмаганда, дўконлардаги нон маҳсулотлари деярли арзон нархда сотилмоқда. Ундай бўлса, бозор нони нега қимматлашиб кетди?

Нон — имон, дейди халқимиз. Ҳарна бўлса ҳам имонсизликдан асрасин. Уйингизда бир ҳовуч олтинингиз бўлса-ю, бир бурда нонингиз бўлмаса, ҳеч нарса татимайди. Рўзғорнинг бир ёғи ўпирилгандек бўлиб туради. Республикамиз Президенти Ислом Каримов қатъий туриб, бизда нонниг баҳоси ошмайди, деганида шуларни кўзда тутган бўлса ажаб эмас. Тўғрида, нонниг сероб бўлганига не етсин.

— Ҳар кеча-кундузда ҳамшаҳарларимиз учун 500—520 тоннага яқин нон маҳсулотлари чиқармоқдамиз, — дейди Тошкент нон маҳсулотлари ҳудудий ишлаб чиқариш бошқармасининг бош иқтисодчиси Л. П. Гришина. —Бу миқдор илгаригидан сира кам эмас.

Бироқ шу нарса сир эмаски, аксарият ҳолларда ўзбек хонадонида бозор нони билан меҳмон кутилади. Чунки пазанда новвойлар ёпиб чиқараётган нонлар сифатда ҳам, чиройда ҳам комбинат нонларидан устун бўлиб келган. Бу алоҳида мавзу...

Маълумки, озиқ-овқат маҳсулотлари сарфидаги айрим исрофгарчиликларнинг олдини олиш ҳамда бозор иқтисодига ўтиш даври муаммоларини ҳал этиш мақсадида талон системаси жорий этилди. Шунингдек, ун ҳам ҳар бир хонадонга янги тартибда сотила бошланди. Бу давргача шаҳардаги новвойларнинг ошиғи олчи эди. Улар ёпиб чиққан турли хилдаги нонларга одамнинг ҳаваси келарди. Баҳоси ҳам унча қиммат эмас: оддий ёпган нон 15—20 тийин, патир, ширмой эса 50 тийиндан 80 тийингача эди.

Очиғини айтганда, хонадон новвойлари ўша вақтда ҳам унни дўконлардан сотиб олишарди. Маъмурий органлар ҳам, келинг, Тошкентда нон янада сероб бўлақолсин, қабилида иш тутиб индашмасди. Аммо шу вақтгача биров ширкатга аъзо бўлиб, биров эса ҳамон ўзича нон ёпиб келмоқда.

Ун талон билан сотила бошлагач, бозордаги ёғли патиру, қип-қизил нонлар кўринмай қолди. Сабаби — унни пештахта ортидан ҳуфёна олишнинг имкони бўлмади. Янгича ишлашнинг эпини қилиб улгурмаган сотувчининг ҳам аввалига иши юришмай турди.

Мана, бугунги кунга келиб яна бозор нони кўча-кўйларда бемалол сотилмоқда. Бу бир томондан яхши, албатта. Аммо, баҳоси осмонда. Оддий ёпган нон 40—50 тийин, патир нон эса 1, ҳатто 1,5 сўмдан сотилмоқда.

Ҳақли бир савол туғилади. Хўш, ун аҳолига талон билан сотилаётган бир вақтда патентсиз хонадон новвойлари бу маҳсулотни қаердан олишмоқда?

Барчага маълумки, бозор учун ёпилаётган нонлар уни у ёки бу магазин омборхонасидан чиқиб, хонадонлардаги новвойлар тоғорасида хамир бўлмоқда.

— Патирнинг баҳоси неча сўм? — сўраймиз сотувчи аёлдан.

— Сизлар учун 1 сўм 50 тийин-да, — дейди аёл илтифот билан.

Нари борса дўппидан бироз каттароқ бир донагина патирнинг баҳоси ана шундай. Ахир 10 дона патирнинг баҳоси ўн беш сўм бўлганини ҳеч эшитганмисиз.

— Касби-кор экан, бир ёғи тирикчилик, — дейди биз нон харид қилган аёл ҳижолат бўлиб, — бир қоп унга отасининг нархини сўрашяпти.

Бундай гапларни нон ёпиб тирикчилигини ўтказаётган ҳар бир новвойдан эшитишингиз мумкин. Аммо бизни бошқа бир нарса таажжублантираётир. Ҳозирча танқис маҳсулотлар қаторида турган тонналаб унларни бу новвойларга ким ва қандай йўллар билан етказиб бермоқда?

— Бозор нонларининг қимматлашиб кетганлиги бизни ҳам ташвишга солмоқда, — дейди Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси савдо бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Мирфозил Мираюбов. — Патентли новвойлар билан ишлашда қатор тадбирларни амалга оширяпмиз. Шундай нон ёпувчилар апрель ойида 220 нафар эди. Ҳозирги кунда бу рақам 643 нафарга етди.

Шаҳар аҳолисига бир ойда 4400 тонна ун сотилади. Шундан апрель ойида патентли новвойларга бир тоннадан, май ойида эса 2 тоннадан ун сотдик. Кейинги 7 ой ичида уларга жами 2358 тонна ун сотилди.

Менинг фикримча, жойлардаги новвойларнинг аниқ ҳисобини олиш лозим. Бу ишда район молия бўлимлари, қолаверса, участка милицияси ходимлари фаоллик кўрсатишлари керак. Нари борса 400 грамм келадиган патирнинг таннархи 30—35 тийинга тўғри келади. Новвойнинг меҳнат ҳақи 50 тийин бўлганда ҳам бир дона патир 80 тийиндан ошмаслиги керак. Унни қонунсиз сотиш борасидаги айрим кўнгилсиз воқеаларга келганда шуни айтиш керакки, бу борада ҳам қатъий чоралар кўрмоқдамиз.

Умуман айтганда, шаҳримиздаги барча новвойлар қатъий амал қиладиган ягона тартиб-қоида бўлиши лозим.

**П. НИШОНОВ,**
**ЎзТАГ мухбири.**

● *Осойишталик посбонлари*

# ОДАМЛАР ТИНЧ БЎЛСИН ДЕБ...



ТУН. Чилонзор райони биринчи шаҳар милицияси бўлими навбатчилик хонасида телефон жиринглади. Милиция капитани Валентин Лиходед трубкани кўтарар экан, соатига қаради: 02.25

— Бўлим навбатчиси эшитади?

— Тезда етиб келинглар.

Навбатчи ташвишли хабар берувчининг исми ва қаердан сим қоқаётганлигини дафтарга қайд этди-да, воқеани тезкор гуруҳ вакилларига айтди. Милиция ходимлари махсус машинада воқеа содир бўлган жойга етиб келишди. «Гулистон» даҳаси ва «Алгоритм» заводига туташ чорраҳа ёнидаги бетон ариқчада бир киши юзтубан ётар, тинмай инграрди. Милицияга хабар қилган йигитнинг айтишича, безорилардан бирининг эгнида енги калта кўйлак, иккинчисининг қўлида тўрхалта бор экан. Вақт эса алламаҳал бўлиб қолган. Ондасонда ўтиб турган машиналарни ҳисобга олмаганда кўча деярли сокин эди. Жабрланувчидан безориларнинг кимлигини суриштиришнинг иложи бўлмади. Уни аёвсиз дўппослашганга ўхшайдилар. У шифохонага жўнатилди. Тезкор гуруҳ аъзолари «Қизил шарқ» даҳасини «элак»дан ўтказиб, безориларни кўп қаватли уйнинг ертўласида ушлашди.

Маълум бўлишича, В. ва И. исмли безорилар узоқ Кемероводан тентираб келиб қолган «меҳмон»лар экан.

— Бундай воқеалар деярли ҳар куни бўлиб туради, — дейди биринчи шаҳар милицияси бўлими бошлиғининг ўринбосари, милиция майори Пардабой Мамбеков. — Ҳудудимизда изғиб юрган дайдилар сони ўттиз уч нафарга етди. Бизнинг бўлим яқиндагина очилди. Шунга қарамай анчагина ишлар қилдик: бир минг ўн бешта оилавий можароларни текшириб, чора кўрдик, 264 нафар жиноят содир этишга мойил шахслар махсус рўйхатга олинди, 2 минг 244 киши профилактик суҳбатдан ўтказилди. Ҳудудимизга умумий аҳолиси 120 минг кишини ташкил этадиган тўртта йирик турар-жой даҳалари: Чилонзорнинг 20, «Гулистон», «Қизил шарқ», Ал-Хоразмий даҳалари ва бешта маҳалла киради. Шулардан энг нотинчи 20-мавзе. Ундан ҳар куни ўндан зиёд шикоят ва аризалар тушади.

— Даҳалардаги участка вакиллари иш фаолиятлари қандай йўлга қўйилган?

— Очиғини айтсам, ишимиз анча оғир. Чунки 120 минг аҳолига бор-йўғи 13 нафар участка вакили хизмат кўрсатмоқда. Бундай қийинчилик биздан бошқа жойларда ҳам мавжуд. Бундан ташқари, участка вакилларининг рисоладагидек ишлашлари учун тузукроқ хоналар ҳам йўқ. Борларида ҳам битта синиқ стол-стул... Телефонни-ку, айтмай қўя қолай. Мободо бирор ишкал чиқиб қолса, жабрланувчи участка вакили билан боғлана олмайди. Бўлим бўйича биттагина «Нива» машинаси ажратилган. Холбуки, бизга тўртта машина керак. Одамларни бизнинг қийинчиликларимиз қизиқтирмайди, шикоят қилишгани-қилишган, ҳар гапнинг бирида милиция яхши ишламаяпти, дейишади. Ана шундай қўлиқисқалик, қийинчиликларга қарамай, тўққиз ой мобайнида 119 та жиноят очилди, 19 нафар иттифоқ миқёсида қидириб юрилган ашаддий жиноятчи қўлга туширилди, 531 нафар дайди рўйхатга олинди, 2547 нафар муқаддам судланган жиноятчиларни аниқладик. Кўрдингизми, барча оғирликларни бўйнимизга олиб бўлса-да, ишлаяпмиз. Катта участка вакили вазифасини бажарувчи милиция лейтенанти Аҳад Йўлдошев, милиция капитани Юрий Камко, участка вакили Имомназар Боймаматов хизматларини алоҳида таъкидлаш керак.

— Ўзбекистон ички ишлар вазири Зокиржон Алматов «Тошкент ҳақиқати» мухбирлари билан суҳбатда: «Милиция ходимларининг маиший аҳволини яхшилаш, уларни уй-жой, транспорт, алоқа воситалари билан таъминлаш ишлари амалга оширилмоқда», деди. Келгусида ижобий ўзгаришлар бўлса керак?

— Янги вазиримизнинг айтганлари тезроқ амалга ошса, ҳаммамизга енгил бўлади. Ўзингизга маълум, ҳар бир район ички ишлар бўлими ўша район ижроия комитетига бўйсунади. Бирор нарса керак бўлса, илтимос билан кирамиз. Милиция бўлимлари тўғридан-тўғри вазирликка бўйсундирилиши лозим. Бундан ташқари, биз такомиллашган техника воситаларига муҳтожмиз. Уюшган жиноятчилик ва мафия очиқ ҳужумга ўтаётган ҳозирги пайтда биз улардан икки-уч баравар устун бўлмасак, халқ осойишталигини кўнгилдагидек таъминланмайди.

Пардабой ака ҳақ гапни айтди. Одамлар ички ишлар органлари ходимларидан янада қатъийроқ ҳаракат қилишни кутишмоқда. Бунинг учун эса милицияга мадад зарур.

**Р. АКБАРАЛИЕВ.**

---

**СУРАТДА:** **Ўзбекистонда хизмат кўрсатган участка вакили, милиция майори П. Мамбеков навбатчи В. Лиходед билан ташвишли хабарни қабул қилиб олмоқда.**

**Суратчи: Даврон АҲМАД.**



• *Халқ оғзаки ижоди*

## ЙЎЛЛАРДАГИ ҚЎШИҚЛАР

«ОҲАНГАРОН» рўзномасининг дастёри сифатида жуда кўп қишлоқларда бўламан. Тоғлардаги чўпонлар, қирлардаги элвойлар, далалардаги деҳқонлар, чўлу саҳро кишилари менинг мулоқотдошларимдир. Ғоятда зукко, диди баланд, таъби назми нозик бўлган бу одамлар билан гаплашганимда беихтиёр улар ўз гаплари орасида халқ қўшиқлари, ўланлари ва ибратли ҳикматларини айтиб юборадилар. Мен эса хотирамда қолганларини ён дафтаримга ёзиб қўяман, кўпларини ўша замоноқ қоғозга тушириб, ўзларининг иштирокида ўқиб чиқамиз.

Нима бўлганда ҳам улар айтган халқ оғзаки ижоди намуналари жуда гўзал ва ҳайрон қоларли даражада нозик! Уларнинг муаллифлари бир киши эмас, шу сабабдан мен уларни «Йўллардаги қўшиқлар» деб атадим. Бу қўшиқлар меники эмас, мен қоғозга туширдим, холос.

### КУЙЛАМА...

**Куйлама, соҳибжамол,**
**Йиғлатгани келдингми ё?**
**Куйдириб сокин дилимни,**
**Ўйлатгани келдингми ё?**
**Майли, куйла, куйларингга**
**Дил қушим бўлсин асир.**

**Банд этиб сайёд мисол**

**Сайратгани келдингми ё?**

### АЙТИШУВ

**ЙИГИТ: Сой ичида чайқалади сандалча,**
**Бу сандалча — чўпон қизнинг тахтидир.**
**Боши тўла лола чамбар, заркокил,—**
**Худо берган акасининг бахтидир.**
**ҚИЗ: Сандалчадан рўмолимни олибсан,**
**Олиб яна тол шохига ёйибсан.**
**Тол белимни мунча эздинг, оғажон,**
**Ростин айтсам, уволимга қолибсан.**
**ЙИГИТ: От бойловда, қўй яйловда яйрайди,**
**Сени кўрсам, кўнглим кундай яйрайди.**
**Рўмолингни толга ёйган мен эмас,**
**Бошқа биров сенинг билан ўйнайди.**
**ҚИЗ: Сенга атаб олмадан от қилайин,**
**Йўқламасанг, бағрига хат қилайин.**
**Менинг билан ўйнайдиган ғаним йўқ,**
**Агар бўлса, сўз билан мот қилайин.**
**ЙИГИТ: Ғаним десанг, мен белимни боғлайман,**
**Сўзинг ёлғон, унга ишонолмайман.**
**Ёшлигингда даданг менга бермаган,**
**Қариб қопсан, энди сени олмайман.**
**ҚИЗ: Ўн тўққизга энди кирдим, оғажон,**
**Йигит деган шунча нозик бўларми!**
**Олмасанглар тўрт томонинг қибла-ей,**
**Тешик мунчоқ сув остида қоларми!**

### ҚОРАКЎЗ

**Тоғда ирғай гулини тўкди,**
**Сен қайларда қолдинг, Қоракўз?**
**Дўланалар шохини букди,**
**Йўлинг нега айру, Қоракўз?**
**Изингни изладим боғлардан,**
**Излаб тополмадим, Қоракўз.**
**Исминг сўроқладим тоғлардан,**
**Истаб етолмадим, Қоракўз;**
**Бенасиб қилай деб васлингдан**
**Унутиб кетдингми, Қоракўз?**
**Адаштириб қўйиб йўлингдан,—**

**Ё қасдинг бормиди, Қоракўз?**

**Оҳимга оҳ чекди булоқлар,**

**Сен қайларда қолдинг, Қоракўз?**

**Фиғонимдан ёнди ўтлоқлар,**

**Шуни истармидинг, Қоракўз?**

**Излаб тополмовдим, Қоракўз,**

**Топиб етолмовдим, Қоракўз.**

**Ҳайриятки, келдинг очилиб,**

**Сен ҳам соғиндингми, Қоракўз?**

**Мўмин ҚАЮМ тўплаган.**

# БЎШАЙМИ, БЎШАМАЙМИ?

СОБИРОВ очиғи, қийналиб кетди. Олиб турган маошининг бозор иқтисодиёти шарафи билан кўтарилган нарх-наволар олдида сариқ чақалик ҳам қадри-қиммати қолмади-я. Бу пули билан на тўртта боласига, на хотини, на ойнадаги ўз аксига қарай олади. Дунёнинг ишлари қизиқ экан. Кечагина: «Онаси, ҳамма нарса етарлими уйда, пул-мул керакмасми?!» дегувчи эди, энди эса аранг тили калимага келиб: «Чидаб тур, онаси, ҳукуматимиз бизниям кўчага ташлаб қўймас. Яхши кунлар ҳам келар»... дея овутишдан нарига ўтолмайди.

«Етар,— деб юборди у бир куни сабр косаси тўлиб. — Бошқа ёқда ишлайман. Қачонгача сичқон пойлаган мушукдек моянага кўз тикиб ўтираман. Одамлар топишаяпти-ю, меҳнат қилиб, тер тўкиб. Менинг қоғоз ҳидлаб ўтирадиган бу ишимдан тер тўкадиган иш ҳам дуруст. Ишлайсан — топасан! Бор-ей, нима, бу ерда шунча йил ишлаб бир энлик раҳматнома олмаган, тузукроқ маош беришармиди?!. Раҳбаримизнинг ҳам парвойи палак».

Собиров беихтиёр раҳбари Каримжон Салимжоновнинг қиёфасини кўз ўнгида гавдалантириб, тирноқларигача титраб кетди. Ўз таъбири билан айтганда, Каримжон Салимжонович ичи тушган қовундай мияси пуч, фақат курсисига ярашиб ўтирадиган хўппа семиз бир қўғирчоққа ўхшаса-да, ҳеч кимга сир бермай, керил-иб, ғўдайиб юраверади. Раҳбарликка хос жиддийликни, муомалани ўринлатади-ю, барибир ходимларининг дарду-ҳасратларига шерик бўлгиси йўқ. Топиб олган баҳонаси битта: «Битта сенмидинг қийналаётган, биласанми, шаҳарда сенга ўхшаган қанча одам бор?» Собиров бунинг сабабини яхши билади. Бир марта «Электрга ҳам жаримани биз тўлаймизми, давлат тўлайди-ку» деб юборганди бош иқтисодчига. «Куппа-кундуз куни ёп-ёруғ хонада чироқ ёқиб ўтиргани етмагандек, стол лампасию телевизору магнитофонни ҳам мардикорига айлантириб юборганига пулни ишхона тўламай, энанг тўлайдими» деб жаҳли чиққан эди бош иқтисодчининг Собировга ёрилиб. Аммо Каримжон Салимжоновичнинг ҳам кейинги пайтларда пайтавасига қурт тушгандек оромкурсида аввалгидек ястаниб ўтиролмай қолган — «Бўлди, ишни йиғиштир, буёққа етиб кел» деб уни юқоридагилар бугун бўлмаса, эртага чақириб қоладигандек, телефоннинг қулига айланиб қолган. «Жиринг»нинг «ж»сидаёқ трубкани кўтаради.

Собиров бултур бошқа ишга ўтаман, деганида «Дарахт бир ерда кўкаради» деб насиҳат қилган эди, иккинчи мартасида эса: «Ҳамма ерда хўроз бир хил қичқиради. Нима, у ерда бу ердагидан тузукроқ қичқираман деб ўйлаяпсизми?» деб мазах ҳам қилган эди. Энди эса бу «дарахт» бўлмиш Собиров «қуриш» арафасида. «У ёқда қаттиқ қичқирмасам ҳам, ризқ-насибамга яраша қичқираман» деб ўйларди у. Собиров шундай деб ўйласада бошлиқ ҳузурига киришга юраги бетламай юрди. Яна аввалги насиҳатларини қилар, ё мазах қилар...

Раҳбарнинг меҳмондорчиликка ўч, айтилган жойдан қолмайдиган одати бор эди. У кўпроқ раҳбар сифатида иззат-икром билан кутиб олишларини ёқтирарди. Кимдир ҳам айтувди: «Бизнинг раҳбаримиз ичкиликка жуда ўч, ичгандаки молдай ичади. Бўлди, демайди. Шундоқ, арағинг, яхшигина газакларинг, овқат-повқатинг бўлса, бас. Унга бошқа ҳеч нарса керакмас!» Собиров ўйлай-ўйлай, ана шу нозик еридан ушлаб, бир амаллаб ишдан бўшаб олишга аҳд қилди.

Буёғи ҳам тезлашиб кетди. Собиров сўраб-суриштириб ўзининг иқтисодчилик соҳаси бўйича бир заводдан иш топди. «Майли, келинг», дейишди маъмуриятдагилар. Ҳатто унинг илтимосига биноан чақирув қоғози ҳам уюштириб беришди. Энди Собиров ана шу чақирув қоғозига Каримжон Салимжоновнинг розилиги аломати — «қаршилигим йўқ» деб ёзиб берадиган икки сўзинию, имзосини қўйдириб олса, бас. Унинг яна бир хурсанд бўлгани — завод хўжалик ҳисобига ўтган экан. Корхона фойда топса мукофотлар ҳам мўмай-да.

### Ҳажвия

Шундай қилиб, Собиров режаларини пухта қилиб, қувончию ҳаяжонини ичига ютиб, раҳбар ҳузурига бош эгиб кирди:

— Ассалому алайкум, Каримжон Салимжонович! Бевақт кириб келган бўлсам, узр. Бир оғиз сўзим бор эди, холос.

Раҳбар, жаллодга бошини топширгандек бўйнини эгиб, елкаларини қисиб келадиган серилтифот одамларни хуш кўради. Улардан ҳамиша «яхши гап» чиқишига ишонар эди. Ҳозир ҳам шундай бўлди. Каримжон Салимжоновичнинг юзига табассум ёйилди:

— Ваалайкум, Собиров, келинг, қани, қани, бундоқ, яқинроқ ўтиринг-чи, деб тўғрисидаги креслога ишора қилди,— Ишлар қалай, дурустми? Камчиликлар йўқми?

— Ҳеч камчиликлар йўқ, ака,— Собиров юзига ясама табассум олиб, яна қўлини кўксига босди.— Фарзандимиз туғилганида ният қилиб, сизнинг исмингизни қўйган эдик. Бугун ана шу ўғлимиз икки ёшга кирувди, туғилган куни. Келинингиз Каримжон акамни чақиртиринг, шундай кунда бир яхши ният қилиб, оқ фотиҳа берсалар, деганди.

— Шунақами,— деди раҳбар унга синовчан тикилиб, — Икки ёшга тулибдию, биз бехабармиз. Қандай бўларкин?

— Очиғи,— ёлғонлади яна Собиров.— Ўғлимиз туғилган кунидан бери бетоброқ эди. Роса ичимизни еяётгандик. Йўқ, мана, худога шукур, тузалиб кетди. Шунинг учун сизга оғиз очмагандим. Шундай кунда қувончимизга шерик бўласизми, дегандик. Каримжон ака,— Собиров бошини эгиб олди.— Тўғри, биз кичкина одаммиз, лекин ниятимиз катта эди.

— Унақа деманг, Собиров ука, биз ҳаммамиз тенгмиз. Аммо мени биласиз, ишларим кўп. Мажлислардан ортмай қолдик.

— Бўш вақтингизни айтинг, ўша куни кутиб олаверамиз. Ишларингизни албатта тушунаман, сизга ҳам осон эмас.

Аммо буни, «тасодиф»ни қарангки, худди шу бугун Каримжон Салимжоновнинг атиги бир соатгина вақти бор экан. Буям Собировнинг «омади». Бошлиқ ўйлаб қараса, ҳар куни иш қайнаб турадиган, ҳар бир соатда йўқланиб турадиган Собировнинг ҳам бугун «иши» йўқмиш, уйга бориб, дам олса ҳам бўлар эмиш.

Бир ойдан бери тишининг оқини кўрсатмай юрган хотини Меҳрига ҳам жон кириб, эрининг қарз-ҳавола пулга келтирган янги қўй гўшти-ю, девзира гуручдан лаззатли ош дамлаб, пазандаликни ҳам қотириб юборди. Тиқ этса эшикка қараб ўтиришган эди, ҳайрият, эшик қўнғироғи жиринглаб, бошлиғининг танҳо ўзи кириб келди.

...Меҳмондорчилик зўр бўлди. Каримжон Салимжонов роса ёйилиб ўтирди-да, ўзиям. Арақ деганларини чойдек кетма-кет сипқоради. Оғзи тўла газак.

— Сиз менга ёқиб қолдингиз, ўртоқ Собиров,— деди бир пайт меҳмон,— Айтингчи, сизга қандай ёрдам керак? Қўлимдан келганича...

Собиров нима деярини билмай қолди:

— Ёрдам... ёрдам дейсизми? Ҳозирча... кўриб турибсиз-ку, аҳвол оғирлашаяпти. Озгина сабр қилайлик-чи,— деди Собиров бошқа гапга ярамай,— Яхши кунлар ҳам келар.

— Яхши кунлар ўз-ўзидан келмайди, ука,— деди бошлиқ бироз ҳушига келиб.— Бунинг учун келтириш керак, ўйлаш ҳам керак, ўртоқ Собиров. Масалан, ўзингиз ўйлаб кўринг-чи, сизни қайси лавозимга ўтказиб қўйсам, тузукроқ маош оласиз?

— Э, қўйсангиз-чи,— деди Собиров чўчиб тушиб,— бизда ҳамма ўз жойида, ўз ишининг устаси...

— Йўқ, ҳаммаси ялқов, ишёқмас, бекорчи. Бир-иккита эмас, кўпидан кўнглим бўлмай турибди,— кейин бир дақиқа шифтга қараб қолди,— Сизни бош иқтисодчи вазифасига кўтармоқчиман. Қаршимасмисиз?

Собиров сакраб тушди:

— Розиқов-чи? У киши ишлаяптилар-ку. Бунинг устига фан кандидати.

— Майли, ўйлаб кўринг, истасангиз шу, истамасангиз, ана, иқтисодчи бўлиб ишлайверинг яна!

Собиров лол бўлиб қолди.

— Биласиз-а, Розиқов қанча маош олади? Сиздан икки юз сўм кўп!

Шу-шу, Собиров ўйлаб ўйига етолмай қолди. 200 сўм маоши 400 сўм бўлса, қандай яхши-я! Аммо Розиқов-чи, у киши устоздек одам, унинг юзига оёқ босиш... Йўқ, деди, Собиров,— Барибир.

— Ойлигингизни 400 сўмга ошираман,— деди бошлиқ.— Нима дейсиз?

Собиров эса лолу ҳайрон бўлиб қолди.

Янги ўтмоқчи бўлган жойи — заводда уч юз сўм эди, бу ёқда тўрт юз! Бўшайми, бўшамайми?

**Зоир ЗИЁ.**

• *Қулоққа чалинган гаплар*

## ИЛМ МАСКАНЛАРИДА

**ФАЛСАФА муаллимидан сўрадилар:**
**— Йўлда ичи пулга тўла ҳамён ётибди. Нима қилардингиз?**
**Файласуф жавоб берди:**
**— Материя — бирламчи, онг — иккиламчи!..**

* * *

**Филологдан илтимос қилишди:**
**— Домла, ички монологга мисол айтсангиз.**
**Филолог:**
**— Нотаниш гўзал аёл ўтиб кетди.**
**Ҳайрон бўлдилар:**
**— Бунинг нимаси ички монолог!**
**Филолог:**
**— Аёл ўтиб кетганидан кейингисининг ҳаммаси!..**

* * *

**Илмий мудир ўқувчиларга деди:**
**— Ўқитувчингиз бетоб бўлиб қолганлиги сабабли бугун жуғрофия бўлмайди.**
**Ўқувчилар:**
**— Ур-ре-ей!..**

* * *

**Ўқитувчи:**
**— Фарҳод нима учун арман диёрига борди!**
**Ўқувчи:**
**— Ариқ қазиш учун...**

* * *

**Ўқитувчи:**
**— Бастилияни ким ва қачон олди!**
**Ўқувчи:**
**— Кеча хонага қўшни синфдагилар киришганди, ўшалар олган бўлса керак!!.**

* * *

**Ўқитувчи:**
**— Ҳой, яшшамагур, нима бало, тагингдан мих чиққанми, ўтиролмай ғимирлаяпсан, қичима бўлган эчкидай!..**
**Ўқувчи:**
**— Партанинг ўриндиғи синган экан, у ёқдан бу ёққа оғиб кетаяпти.**
**Ўқитувчи:**
**— Ўзингга ўхшаган битта қўлинг сингур синдириб кетгандир-да!**

**«ГАП»ларни оққа кўчирувчи:**
**Дилмурод САИДОВ.**



